

# Муғаллим ҳам ўзликсиз билимлендириш



ISSN 2181-7138

№ 6/2 - 2022 жыл

Илимий-методикалық журнал

**Редактор:**

**А. Тилегенов**

**Редколлегия аъзалары:**

Мақсат АЙЫМБЕТОВ

Нағмет АЙЫМБЕТОВ

Байрамбай ОТЕМУРАТОВ

Кеңесбай АЛЛАМБЕРГЕНОВ

Алишер АЛЛАМУРАТОВ

Дилшодхўжа АЙТБАЕВ

Тўлқин АЛЛАЁРОВ

Умида БАҲАДИРОВА

Фархад БАБАШЕВ

Аскар ДЖУМАШЕВ

Гўлнара ЖУМАШЕВА

Мырзамурат ЖУМАМУРАТОВ

Аскарбай НИЯЗОВ

Сабит НУРЖАНОВ

Уролбой МИРСАНОВ

Бахтиёр РАХИМОВ

Арзы ПАЗЫЛОВ

Барлықбай ПРЕНОВ

Қаҳхор ТУРСУНОВ

Тажибай УТЕБАЕВ

Саодат ТОШТЕМИРОВА

Амангелди УТЕПБЕРГЕНОВ

Ризамат ШОДИЕВ

Зафар ЧОРШАНБИЕВ

Дўстназар ХИММАТАЛИЕВ

Гулрухсор ЭРГАШЕВА

**Шўлкемлестириўшилер:**

**Қарақалпақстан Республикасы**

**Халық билимлендириў**

**Министрлиги, ӨЗПНИИ**

**Қарақалпақстан филиалы**

**Өзбекстан Республикасы**

**Министрлер Кабинети**

**жанындағы Жоқарғы**

**Аттестация Комиссиясы**

**Президиумының 25.10.2007**

**жыл (№138) қарары менен**

**дизимге алынды**

**Қарақалпақстан Баспа сөз хэм  
хабар агентлиги тәрәпинен  
2007-жылы 14-февральдан дизимге  
алынды №01-044-санлы гуўалық  
берилген.**

**Мәнзил: Нөкис қаласы,  
Ерназар Алакөз көшеси №54  
Тел.: 224-23-00**

**e-mail: [uzniipnkkf@umail.uz](mailto:uzniipnkkf@umail.uz),  
[mugallim-pednauk@umail.uz](mailto:mugallim-pednauk@umail.uz)  
[www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz](http://www.mugallim-uzliksiz-bilim.uz)**

*Журналға келген мақалаларға жуўап қайтарылмайды, журналда жарияланған мақалалардан алынған үзиндилер «Муғаллим ҳам ўзликсиз билимлендириш» журналынан алынды, деп көрсетилуи шарт. Журналға 5-6 бет көлеминдеги материаллар еки интервалда TIMES NEW ROMAN шрифтинде электрон версиясы менен бирге қабыл етиледи. Мақалада келтирилген мағлўматларға автор жууапкер.*

## МАЗМУНЫ

### ТИЛ ҲАМ ӘДЕБИЯТ

|  |    |
|--|----|
| <b>Umarov I.A.</b> “Малика айёр” дostonи лексикасида туркий қатламнинг қўлланиши .....               | 4  |
| <b>Шодиева Ш.И.</b> Оламнинг лисоний манзараси ҳақида қарашлар .....                                 | 9  |
| <b>Haydarova Z.</b> Satira nazariyasi haqida mulohazalar .....                                       | 14 |
| <b>Mamaraximova N.</b> Ijodiy tafakkurda nutqning ahamiyati .....                                    | 16 |
| <b>Ergashev A.</b> Xurshid Do’smuhammadning ramzga asoslangan hikoyalari<br>o’qitish metodlari ..... | 21 |

### ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

|   |    |
|---|----|
| <b>Yalubjanova D.,Maxmudov F.</b> Diagnostikasi va reabilitatsiya qilishda eshitishida nuqsoni<br>bo’lgan bola va ularning ota – onalari bilan bog’liq muammolar .....                          | 25 |
| <b>Musurmonov R., Musurmonova M.</b> Yangi o’zbekiston sharoitida ta’lim muassasasi<br>rahbarining innovatsion faoliyati xususiyatlari .....  | 29 |
| <b>Мусурмонов Р., Султонова Д.</b> Замонавий таълим муассасаси раҳбарининг инновацион<br>фаолияти хусусиятлари .....  | 33 |
| <b>Мусурмонов Р., Суяров А.</b> Таълим муассасалари раҳбарларининг маънавий кифаси,<br>маданияти ва унга қўйилган талаблар хусусида .....   | 37 |
| <b>Мусурмонов Р., Хакимова И.</b> Ёшларнинг шарқона имиджи ва муомала одобини<br>шакллантириш хусусида .....  | 43 |
| <b>Турсунбаева Ю. Р.</b> Олий таълим сифатини таъминлаш ва самарадорлигини<br>оширишнинг замонавий имкониятлари .....   | 47 |
| <b>Расулов А. Н., Хуррамов К.М.</b> Таълим кластери шароитида “Иктисодий билим асослари”<br>фанини ўқитишнинг ташкилий шароитлари .....   | 50 |
| <b>Эватов С.</b> Коммуникатив компетентлик тушунчасининг мазмун-моҳияти ва<br>илмий-педагогик асослари .....  | 55 |
| <b>Азамов Ж.</b> Олий таълим муассасалари бошқарувида Осийча субстансиал ва процессуал<br>автономия тамойилларини жорий этиш самарадорлиги .....  | 59 |
| <b>Ziyayev A.</b> Seminar mashg’ulotlarini interfaol nashkil etishning afzallik jihatlari .....   | 63 |
| <b>Arifxodjayev G., Yuldasheva O.</b> Dizartiya nutq nuqsoni bo’lgan bolalarda idrok<br>shakllanishining o’ziga xosligi .....   | 66 |
| <b>To’raqulov L.</b> Oilaviy bolalar uylari tarbiyalanuvchilarining ijtimoiylashuvi .....   | 70 |
| <b>Тошболтаев Ф.</b> Булажак ўқитувчиларни методик тайёрлаш тизимини<br>такомиллаштиришнинг хусусиятлари .....  | 75 |
| <b>Akramova X., Safarov M.</b> Yordamchi maktabda ta’lim jarayonini rivojlantirishni<br>o’ziga xosligi .....  | 79 |
| <b>Nazarqosimov Q., Qarshiboyev A.</b> Ko’rishida nuqsoni bo’lgan bolalarda tarbiyaviy ishlarni<br>olib borishda didaktik materiallarni qo’llanilish bo’yicha mashg’ulotlarning ahamiyati ..... | 83 |
| <b>Мустафақулова Д.</b> Таълимда тизимли ёндашув .....  | 86 |
| <b>Mixliboyev F.</b> Nutqning normal va nuqsonli rivojlanishida nutq va kognitiv funksiyalarning<br>o’zaro bog’liqligi .....  | 91 |

|   |    |
|---|----|
| <b>Qaxharova N. N.</b> Bolalarda mantiqiy fikrlashni shakllantirishning tarixiy falsafiy asoslari ..... | 94 |
| <b>Abdullayeva G. R.</b> Adekvatlik tushunchasining psixologik tahlili .....                            | 98 |

### МИЛЛИЙ ИДЕЯ ҲАМ РУЎХИЙЛИҚ ТҲИКАРЛАРИ, ТАРИҲ, ФИЛОСОФИЯ

|   |     |
|---|-----|
| <b>Rasulova D.</b> O'qituvchi va o'quvchi munosabatlarining axloqiy mezonlari .....   | 104 |
| <b>Qilichova M.</b> Yoshlar siyosiy qiyofasi to'g'risidagi qarashlarning zamonaviy jamiyatdagi ahamiyati .....                        | 106 |
| <b>Абдурасулова Д.</b> Ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзининг амалда тадбиқ этилиши (Жиззах шаҳри мисолида) .....                     | 112 |
| <b>Nazarqosimov Q., Berdiyev X.</b> Maktabgacha yoshdagi bolalar nutqini o'stirishda va korreksiyalashda logopedik yondoshuvlar ..... | 115 |
| <b>Raimjonov S.</b> Yakka tartibdagi darslarda o'quvchilarning ijrochilik mahoratini rivojlantirish .....                             | 117 |
| <b>Xolmirzayev O.</b> O'zbek xalq cholg'usi chang tarixidan .....   | 121 |
| <b>Abdukariyeva E.</b> O'zbekistonda mumtoz musiqa san'atida bastakorlik ijodining tutgan o'mi va uning tadrijiy rivojlanishi .....   | 124 |

### ФИЗИКА, МАТЕМАТИКА, ИНФОРМАТИКА

|  |     |
|--|-----|
| <b>Tayirova M.</b> Ta'lim jarayonlarida samarali tashkil qilishda ta'lim vositalari va multimedia texnologiyasidan foydalanishning dolzarbligi ..... | 130 |
| <b>Назарова Г.</b> Бўлажак иктисодчиларда аналитик тафаккурни ривожлантиришнинг педагогик мазмуни .....  | 135 |

### БАСЛАЎЫШ КЛАСС, МЕКТЕПКЕ ШЕКЕМГИ ТӘРБИЯ

|   |     |
|---|-----|
| <b>Akramova X., Abatbayeva A.</b> Maktabgacha yoshdagi aqli zaif bolalar o'yin faoliyatida nutqiy muloqotning faolligini oshirish xususiyatlari ..... | 138 |
| <b>Arifxodjayev G., Muminova Z.</b> Boshlang'ich sinflarda disleksiyasi bo'lgan o'quvchilarning o'qish malakalarini korreksiyalash .....              | 141 |
| <b>Xudoyqulov J.</b> Boshlang'ich sinf o'quvchilarida ijodkorlik ko'nikmalarini rivojlantirish .....  | 145 |
| <b>Абдуллаева Н.</b> Мактабгача таълим ташкилотлари ва олий таълим муассасалари ҳамкорлигини кластери ёндашув асосида ривожлантириш .....             | 149 |
| <b>Сафаров Б.</b> Мактабгача таълим ташкилотлари тарбиячиларда педагогик касбий компетентлик ва унга хос сифатлар .....                               | 153 |

### ФИЗИКАЛЫҚ ТӘРБИЯ ҲАМ СПОРТ

|  |     |
|--|-----|
| <b>Пармонов А.</b> Жисмоний тарбия ўқитувчиларида акмеологик мотивацияни ривожлантириш модели .....  | 157 |
| <b>Абдуллаев О.</b> Ўқувчилар руҳиятидаги салбий ўзгаришлар ва уни жисмоний таълимда бартараф этиш вазифалари .....                          | 161 |
| <b>Nurmatov F.A.</b> Milliy harakatli o'yinlar va uning rivojlanishi .....   | 165 |
| <b>Каримов У.Р.</b> Решение некоторых ошибок и недостатков в физическом воспитании и в спорте вузов и всех образовательных учреждениях ..... | 168 |

Назорат функцияси раҳбарнинг энг муҳим вазифасидир. Раҳбар қабул қиладиган қарорларнинг ташаббускори бўлганлиги сабабли ушбу қарорларни бажарилиши устидан назоратни ташкил қилишнинг ҳам ташаббускори бўлиши керак. Қарорларнинг ижро этилишини назорат қилмайдиган раҳбар ўзи ишлаётган таълим ташкилотига эмас, балки таълимнинг бошқа тизимларга ҳам зарар етказиши, яъни уларнинг ишида кечикишлар, узилишлар пайдо бўлишига сабабчи бўлиши мумкин.

Адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими тизimini 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида” ги ПФ-5712-сонли фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг Янги тараққиёт даврида таълим - тарбия ва илм - фан соҳаларини ривожлантириш чора - тadbирлари тўғрисида” ги ПФ-6108 - сонли Фармони.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 25 январдаги “Халқ таълими соҳасидаги илмий-тадқиқот фаолиятини қўллаб қувватлаш ҳамда узлуксиз касбий ривожлантириш тизimini жорий қилиш чора-tadbирлари тўғрисида” ги ПҚ-4963 сонли қарори
4. Ш.Мирзиёев. Миллий тараққиёт йўлимининг катъият билан давом эттириб янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон нашриёти, 2017 й.
5. Ш.Мирзиёев. Буюк келажакимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Т.: Ўзбекистон нашриёти, 2017 й. – 488 б.
6. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. – Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” давлат илмий нашриёти. 2004. 41-42-б.
7. Аҳлидинов Р. Ш. Таълим муассасасини бошқариш санъати. – Т.: “Фан”, 2006. – 303 б. 721
8. Пулатов Ш.П. Таълим менежменти ёхуд таълим муассасасини илмий-методик бошқаришга инновацион ёндашув./ Т.: “Yosh kuch”. 2022 й.

РЕЗЮМЕ

Мақолада янги Ўзбекистон шароитида замонавий таълим муассасалари раҳбарларининг маънавий кўёфаси, педагогик одоби ва маданияти, юксак инсонийлик фазилатлари тўғрисида фикр юритилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматриваются духовный облик, педагогические манеры и культура, высокие человеческие качества руководителей современных образовательных учреждений в условиях нового Узбекистана.

SUMMARY

The article discusses the spiritual image, pedagogical manners and culture, high human qualities of the leaders of modern educational institutions in the conditions of the new Uzbekistan.

## ЁШЛАРНИНГ ШАРҚОНА ИМИДЖИ ВА МУОМАЛА ОДОБИНИ ШАКЛАНТИРИШ ХУСУСИДА

*Мусурмонов Р.*

*Чирчиқ давлат педагогика институти  
“Мактаб менежменти” кафедраси доценти, п.ф.н.*

*Ҳакимова И.*

*Чирчиқ давлат педагогика институти  
“Мактаб менежменти” кафедраси доценти, п.ф.н.*

**Таянч сўзлар:** шарқона тарбия, муошарат одоби, ўзаро мулоқот, саломлашиш маданияти, умуминсоний кадриятлар, миллатнинг руҳи, маънавий асослар, маданий ва маънавий мерос, Шарқ ва Ғарб донишмандлари.

**Ключевые слова:** восточное образование, социальный этикет, взаимное общение, культура приветствия, общечеловеческие ценности, дух нации, духовные основы, культурно-духовное наследие, восточные и западные мудрецы.

**Key words:** Eastern education, social etiquette, mutual communication, greeting culture, universal values, the spirit of the nation, spiritual foundations, cultural and spiritual heritage, Eastern and Western sages.

Одамларнинг меҳр-оқибати, бир-бирларига нисбатан ўзаро ҳурмат эътиборда бўлишлари мулоқот жараёнида намоён бўлади. Халқимизда азалдан мулоқот саломлашиш маданиятидан бошланади. Саломлашиш турли халқларда ҳар хил амалга оширилади. Халқимизда саломлашиш ахлоқлиқнинг юксак намунаси сифатида эътироф этилиб, унинг негизида умуминсоний қадриятларнинг устуворлиги, шу миллатнинг рухий хусусиятлари, ўзаро муносабатларининг маънавий асослари, бўлажак мулоқотнинг характери, ўзаро ҳамкорлиги акс этади.

“Қуръони карим”да саломлашиш одоби мусулмон ахлининг қатъий мажбурий бурчи тарзида баён этилади: “Эй мўминлар, ўз уйлариңгиздан бошқа уйлارга то изн сўрамагунингизча ва эгаларига салом бермагунингизча кирмангиз. Мана шу сизлар учун яхшироқдир. Шояд ушбу эслатмадан ибрат олсангизлар” (24.27), (24.61). [2]

Аждодларимиз маданий ва маънавий мероси, улар яратган сўз, халқ тилининг туганмас бойлиги ёш авлодни тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Бу ўринда Абу Наср Форобий, Абу Абдуллоҳ ал-Хоразмий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Хисрав Дехлавий, Абу Ҳамид Ғаззолий, Кайқобус, Шайх Саъдий, Алишер Навоий, Заҳриддин Муҳаммад Бобур ва бошқа Шарқ ва Ғарб донишмандларининг бой меросларида фарзандларни тарбиялаш ва камолотга етказиш асосий муаммо сифатида тарғиб қилинган. Улар сўзни ва нутқни таълим-тарбияда илоҳий неъмат ва ҳикмат деб билишган ҳамда ҳар бир сўзнинг ўз ўрни ва аҳамияти борлигини, тарбияда сўздан кучироқ ва қудратлироқ нарса йўқлигини, тилга эътибор - элга эътибор эканлигини, сўз сеҳри мўъжизалар ярата олишини таъкидлаб келганлар. Буларнинг барчаси мударрис ва шоғирдларнинг самимий мулоқоти жараёнида амалга оширилган. Мударрислар баркамол ва тарбияланган инсоннинг ўнга ниспонаси борлигини алоҳида таъкидлашган: — биринчиси: халқ тўғри деб топган нарсага нотўғри деб қарамаслик — иккинчиси: ёшликдан ўз нафсига эрк бермаслик; — учинчиси: бировлардан асло айб қидирмаслик; — тўртинчиси: ёмонлик ва омадсизликни яхшиликка йўйиш; — бешинчиси: агар гуноҳкор узр сўраса, узрини қабул қилиш ва — кечиримли бўлиш; — олтинчиси: муҳожирлар ҳолатини чиқариш; — еттинчиси: доимо эл гамини ейиш; — саккизинчиси: айбини тан олиш; — ўққизинчиси: эл билан очиқ чехрали бўлиш; — ўнинчиси: одамлар билан доимо ширин муомалада бўлиш.

Мулоқот Шарқона тарбияда ахлоқ қўрқи саналган. Муаллим ҳар бир ўқувчининг қандай дунёқарашга эгаллиги, тафаккури, билим савияси, ҳаётга нисбатан муносабати одамлар билан ўзаро мулоқотида намоён бўлишини уқтиришган. Шарқ мутафаккирлари меросида мулоқот - азалдан инсонлар ўртасидаги ўзаро алоқа воситаси бўлган. Мулоқотнинг асосий қуроли тил ҳисобланган. Шунинг учун ҳам тил - алоқа қуроли сифатида таърифланади. Инсоннинг тили ширин, муомала маданиятига эга бўлса, қисқа вақт ичида халқ орасида обрў-эътибор топади. Кўп гапириш ҳеч қачон кишига обрў келтирмайди. Шунинг учун ҳам ўтмишда яшаб ўтган мутафаккирларимиз тилга, айтиладиган ҳар бир сўзга ҳурмат билан, ўйлаб ёндашиш лозимлигини уқтириб ўтганлар.

Ўқитувчи “Сўз айтишдан аввал, ҳар дақиқада сўз ортидан келадиган оқибатларни ўйла”ши керак (И.П.Павлов). Алишер Навоий адабий меросларида муомала маданияти, хушмуомалалик, тилнинг аҳамияти тўғрисида, ширинсўзлик ҳақида ноёб фикрларни баён қилган. Бутунги кунда ҳам бу фикрлар ўз аҳамиятини йўқотган эмас. «Тил ширинлиги - кўнгилга ёқимлидир, мулоимлиги эса фойдали. Ширин сўз соф кўнгишлар учун асал қаби тотлидир» - дейди Алишер Навоий.

Ўқувчилар нутқини ўстиришда ўқитувчининг тил бойлиги муҳим аҳамиятга эга: бир томондан, ширин тиллилик ўқувчини ўқитиш ва тафаккурини ривожлантиришнинг муҳим омилли бўлиб ҳисобланади. Бундан шундай хулоса келиб чиқадикки, ўқитувчининг тил бойлиги нутқининг образли, чиройли, жарангдор, намунали бўлишини таъминлайди, натижада ўқувчи диққатини ўзига жалб этади. Зотан, тил ва нутқнинг теранлиги, ўқитувчининг маҳоратини, маънавий бойлигини, ўқитувчилик қобилиятининг қай даражада эканлигини ифодалайдиган ўлчов, кўрсаткич ҳисобланади.

Америкалик шоир Рольф Эмерсон: “Нутқ кудрагли куч: у ишонтиради, ундайди, мажбур қилади” дейди. [5] Шарқ мутафаккирлари ижодида тил ва нутқ воситалари орқали нотик, воиз, бадиҳағўй, қиссахон каби махсус санъат аҳиллари ва мударрислар диний, таълим-тарбиявий, исломий ақидаларни оммага сингдиришгани, панд-насиҳатлар қилишгани баён этилади. Ушбу нутқ соҳиблари кенг қамровли билимга, бой ахборотга эга бўлишган. Алишер Навоий “Воиз олимнинг ўзи аввало ҳалол иш кўрувчи бўлишини, унинг наснҳатидан чиқмасликини” асарларида баён этган. [6] Шунинг учун тил ширинлиги ва нотиклик санъати устида ишлаш, нутқ маданиятини такомиллаштириб бориш ҳар бир ўқитувчининг энг асосий ижтимоий бурчи ва масъулияти ҳисобланади.

Таълим-тарбия жараёнида нутқнинг таъсир кучи ниҳоятда беқиёсдир. Ўқитувчининг тили нутқий қобилияти ўқувчиларнинг ўзларини тута билишларига, хулқ-автори ва фикр юритишларига улкан таъсир этувчи кучли воситалардир. Ўқитувчининг “тил бойлиги ва нотиклик санъати барча замонларда ёнма-ён яшаб келган” (А.П. Чехов) [4]. Унинг ҳис туйғуси, интилишлари, ирода ва эътиқоди нутқда акс этади. Ўқитувчи тил бойлиги билан ўқувчиларда хурсандчилик, руҳланиш, муҳаббат, Вағанга садоқат, газабланиш, нафратланиш ҳиссиётларини уйғотади, билим олишга ундайди. Шунинг учун ўқитувчи “тилни халқ ўтмиши, ҳозирги ва келажак авлодни буюк бир яхлитликка, тарихий, жонли бир жипсликка айланттирувчи энг ҳаётий, энг бой ва энг мустаҳкам восита” (К.Д. Ушинский) эканлигини унутмаслиги керак. Кишиларнинг бир-бирлари билан ўзаро муносабатларида ширинсуханлик, гўзаллик, сўзлашув оҳангидаги мулойимлик “Муошарат одоби” дейилади. Муошарат одоби инсоннинг гўдаклигида ота-она бағрида, оилада шакллантирилиши керак.

“Қуш уясида қўрганни қилади” дейилади халқ мақолларида. Оилада ўрганилган муошарат одобининг пойдевори мустаҳкам бўлади. Бола мактабда, улгайгач эса, ижтимоий муҳитда кўникма ҳосил қилиш жараёнида оиласида ўрганилган муошарат одобининг куч-қудратини доимо ҳис қилади. Ўқувчиларда муошарат одобини шакллантириш учун ўқитувчининг ўзи аввало хушмуомалалигини намойиш этиб, ўқувчилар қалбига йўл топа олиши, меҳрибонлиги, улар билан ҳамдард, ҳамфикр бўлиб, ўрнак бўлиши муҳим аҳамиятга эга. Шарқ мутафаккирлари асарларида муошарат одоби турли кўриниш ва номларда баён этилади.

Жумладан, Ал Форобийнинг “Фозил одамлар шаҳри” асарида асосий гоя - фозил кишилар образи. У ким бўлишидан қатъий назар шохми, гадоми, оддий фўқароми фозил кишидир. Шаҳарнинг фозил кишилари бир-бирларига нисбатан хурмат ва иззага бўладилар. Ота-она ва фарзанд, устоз ва шогирд, дўстлар, қариндошлар ўртасида шарқона назокат, меҳр ва эҳтиром маъжуд. Форобий асарида бундан бир неча аср илгари ҳам ота-боболаримизнинг маънавияти нақадар юксак бўлганлиги ва бу авлодларга ўрнак бўлиши таъкидланади.

Оноре де Бальзак “Хушмуомалалик ва камтарлик кишининг чинакам маърифатли эканлигидан далолат беради” дейди. Инглиз донишманди Жон Либбок “Одамлар боо-

доблилик ёрдамида ҳаттоки куч билан эришиш мумкин бўлмаган галабаларга эришиши мумкин<sup>2</sup>лигини айтади [8].

Демак, муошарат одоби нафақат миллий анъаналаримиз ва урфодатларимизнинг кўзгуси бўлган, балки дунёдаги барча халқларнинг ноёб инсоний фазилати сифатида эътироф этилган. Инсоннинг энг улуг, лекин мураккаб ва машаққатли фаолиятларидан бири одамлар орасида, яъни жамиятда ўз ўрнини топиб яшашидир. Бу фаолиятнинг мураккаблиги шундаки, кўпчиликка кўпилиш, улар билан аҳил бўлиб яшаш учун инсонда шунга яраша муомала ва муносабат бўлиши керак. Муомала ва муносабатда ўқувчиларнинг дилига тўғри келмайдиган кўпол ва диалогдор муносабат олиб борувчи ўқувчиларни ҳеч ким ёқтирмайди. Ўқувчилар хушфезл, ширинсухан, адолатпарвар, муомаласи ширин ўқитувчи ва тарбиячиларни дилдан ёқтиришадилар ва ҳурмат-эътибор қилишади.

Инсонлар орасида муносиб ўрнини топиш, инок ва ҳамжиҳат бўлиб яшаш шартларидан бири одамнинг камтарлигидир. Камтарин инсон ҳеч қачон ўзининг ютуғи билан, бадавлатлиги билан, илм-ҳунари билан мактанмайди, ҳамма вақт камгап, содда бўлади. Аммо инсондаги камтарлик самимий бўлмоғи зарур. Ширин сўз мулоқотга киришишнинг асосий қуролидир. У инсон қалбини илтилади, кўпол сўз инсон калбини жароҳатлайди.

Ўқитувчининг “ақл-заковати, фикри, ҳис-туйғулари, билими ва маданий савияси, тафаккури маълум даражада сўзда ифода этилади. Муомала маданиятида сўз ақлдан куч, тилдан ихтиёр олади” [1]. Чунки сўзнинг кудрати қатга. Ўқитувчи ўз сўзига, тилига ниҳоятда эҳтиёткор бўлмоғи лозим. Энг аввало, ўқувчиларга муомала маданиятини, қатталар олдида ўзини тута билиши, гапини бўлмаслиги, ёши улугларга гап қайтармасликини ўргатиш зарур. Мулоқот маданияти ҳамма жойда керак. Иш жойида, транспортда, уйда биз ким билан қандай муомала қилишни билишимиз зарур. Ўқитувчининг қанчалик билимли, ақл-заковатли эканлиги ўқувчилар ва уларнинг ота-оналари билан олиб борадиган мулоқоти орқали намоён бўлади. Одамлар бутун ички дунёсини, мақсадини, муомала ва муносабатларини бир-бирларига сўз ёрдамида етказадилар, амалга оширадилар. Шу тўғрисида сўзлашув муносабатлари ниҳоятда гўзал ва мулойим бўлишини ҳаёт тақозо этади. Сўзга бой, ширинсухан кишиларнинг муомалалари ёқимли, иш ҳам юришган бўлади. Бундай кишиларни ёқтирадилар, ҳурмат қиладилар. Сўзлашув ҳам ўзига хос санъатдир. Бу санъатнинг илдизи муошарат одоби бўлиб, уни мукамал ўрганиш ҳар бир инсон учун зарур. Шу билан бирга, она тилини мукамал ўрганмоқ ва соф адабий тилда ўқувчилар билан мулоқот қилиш ўқитувчининг нотиклик қобилиятидир.

Афсуски, реал ҳаётимизда айнан шу долзарб масала муаммолигича қолмоқда. Оммавий маданият шарқ халқлари ҳаётига ҳам дадил кириб келди ва турли-туман кўринишларда кириб келмоқда. Бундай жирканч ҳолат ёшлар маънавиятига, таълим-тарбиясига жиддий зиён етказмоқда. Айрим ҳолларда қатга ёшли одамларда ҳам энсани қотирадиган, ёқимсиз қилиқлар, сўзларни ниҳоятда бузиб талаффуз қилиш ҳолларини кўриб қўнглинг айнийди. Саломлашиш одобида рияз ётмасликни-ку гапир-маса ҳам бўлади. Оила даврасида фарзандлар иштирокида миллийликдан узоқлашган мимикалар, гап-сўзлар, саломлашишда бош уриштириш каби ноодатий қилиқларни қандай баҳолаш мумкин.

Янги Ўзбекистон шароитида таълим муассасалари ўқитувчи-профессорлари олдида турган ўта масъулиятли вазифалар ҳам шундан иборат эмасми?!

Адабиётлар:

1. Абдуллаев Ҳ. Яшил дафтар ҳикмати. -Т.: Ўқитувчи, 2000.
2. Авлюний А. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. - Т.: Ўзбекистон, 1992, 160 б.

3. Давлетшин М.Г. Замонавий мактаб ўқитувчисининг психологияси. - Т.: Ўзбекистон, 1999, 29 б.
4. Загвязинский В.И. Педагогическое творчество учителя.
5. Каримов И.И. Ўқитувчи, устоз, мураббий...: Талабалар ва ёш ўқитувчилар учун. Рисола. - Қўқон ДПИ, 2009, 99 б. 29.
6. www.ziyouz.com kutubxonasi

РЕЗЮМЕ

Мақолада Шарқона тарбиянинг муҳим жиҳати бўлган инсонлараро ўзаро мулоқот маданияти ва унга эришиш йул-йўриклари тўғрисида фикр юритилиб, тавсиялар берилган.

РЕЗЮМЕ

В статье рассматривается культура межличностного общения, являющаяся важным аспектом Восточного образования, и ориентиры ее достижения, даются рекомендации.

SUMMARY

The article discusses the culture of interpersonal communication, which is an important aspect of Eastern education, and guidelines for its achievement, recommendations are given.

## ОЛИЙ ТАЪЛИМ СИФАТИНИ ТАЪМИНЛАШ ВА САМАРАДОРЛИГИНИ ОШИРИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ ИМКОНИАТЛАРИ

*Турсунбаева Ю.Р.*

*педагогика факултети “мактаб менежменти” кафедраси ўқитувчиси*

**Таянч сўзлар:** узвийлик ва узлуксизлик тамойиллари, таълим сифатини баҳолаш, миллий баҳоловчи тизимлар, таълим сифати менежменти.

**Ключевые слова:** принципы членства и преемственности, оценка качества образования, национальные системы оценивания, управление качеством образования.

**Key words:** principles of membership and continuity, assessment of the quality of education, national assessment systems, quality management of education.

Жамиятда таълим мазмуни, олий таълим сифатини таъминлаш ва самарадорлигини ошириш деганда, эгалланиши талаб этиладиган илмий билимлар, амалий кўникма ва малакалар, шунииндек, дунёқарашни шакллантиришга қаратилган таълимий гоёлар тизими тушунилиб, унинг таркиб топишига қуйидаги омиллар: таълим сифати, замонавийлиги ҳамда оммавийлигини таъминлашга қаратилган эҳтиёжлар; соҳа олимларининг замонавий методологик қарашлари; илмий-техник тараққиёт (замонавий ахборот ва коммуникация технологиялари ҳамда тизимлари) ўз таъсирини кўрсатади. Мамлакат таълим тизимида сифатни доимий кўтариб бориш барча ривожланган мамлакатларнинг таълим жараёнини яхшилаш соҳасида олиб борилаётган тажрибаларини чуқур таҳлил қилган ҳолда ўзимизга хос ва мос бўлган йўналишларни такомиллаштириб боришимиз керак. Жумладан, барча таълим муассасаларининг ўқитувчиларини танлаб олиш орқали (саводхонлик даражаси, чет тилларни билиши, мамлакатимизнинг бой тарихини мукамал билиши, мутахассислик билим даражаси эътиборга олиниши лозим) босқичма-босқич ривожланган мамлакатларга тажриба ўрганиш учун малака оширишга юборишни йўлга қўйиш ҳам яхши самара беради. Шуниндек, ўқув дастурларини ишлаб чиқишда ўз йўналишлари бўйича тажрибага эга бўлган, аниқ мутахассислик бўйича мукамал назарий ва амалий билим ҳамда кўникмага эга бўлган ходимларни бирлаштириш, келишилган ҳолда фаолият олиб бориш сифатни таъминлашнинг бир омили бўла олади. Таълимнинг сифатини янада кўтариш учун ўқув режадаги фанлар кетма-кетлигини, яъни фанларни ўқитишда ўзвийликни таъминлаш лозим. Шуниндек,

Т. Н. Қары Ниязий атындағы Өзбекстан педагогикалық  
илим-изертлеу институтының Ж. Орынбаев атындағы  
Қарақалпақстан филиалы

**«МУҒАЛЛИМ ҲӘМ ҮЗЛИКСИЗ  
БИЛИМЛЕНДИРИЎ» № 6/2**

Нөкис — 2022

Басып шығыўға жуўапкер:

*А. Тилегенов*

Баспаға таярлаған:

*А. Тилегенов, Н. Абдукаримов*

Оригинал-макеттен басыўға рұхсат етилди 9.12.2022. Форматы 60x84<sup>1/16</sup>  
«Таймс» гарнитурасында офсет усылында басылды.  
Шәртли б.т. Нашр. т. Нұсқасы 2000. Буйыртпа №

«NISO POLIGRAF» ШК босмахонасида босилди.  
Тошкент ш., Х. Бойкаро, 51